# ПРОЦЕССУАЛ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ НАМУНАВИЙ СХЕМАСИ

**38-схема**

## ҚАРОР
**Суд - ____________ экспертизаси**
**тайинлаш тўғрисида**

20___йил «__»_________ ___________шаҳри (туман)

______________________________________________
(қарор чиқарувчининг мансаби, унвони, Ф.И.Ш.)

____ сонли жиноят иши материаллари билан танишиб қуйидагиларни

АНИҚЛАДИМ:

______________________________________________
(жиноятнинг қисқача мазмуни, экспертиза тайинлаш учун

______________________________________________
асослар, нимани аниқлаш учун махсус билим зарурлигини кўрсатиш)

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 172, 173, 174 ва 180-моддаларини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1. Ушбу жиноят иши бўйича ______________________ (экспертиза тури) тайинлансин ва уни ўтказиш ____________________ (кимга) топширилсин.

2. Эксперт олдига ҳал қилишлик учун қуйидаги саволлар қўйилсин:

1.______________________________________________

2.______________________________________________

Эксперт ихтиёрига ______________ юборилсин.

______________
(мансаби)

______________ ______________ ______________
(унвони) (имзо) (Ф.И.Ш)

**39-схема**

# ҚАРОР
## Комплекс экспертиза тайинлаш ҳақида

20___йил «__»_________ ___________шаҳри (туман)

Тошкент шаҳар прокуратурасининг терговчиси, адлия кичик маслаҳатчиси ____________________(Ф.И.Ш.), 120-сонли жиноят иши материаллари билан танишиб қуйидагиларни

АНИҚЛАДИМ:

2015 йил 10 август куни соат 21.00 ларда Сирғали туман ҳудудида жойлашган 57-сонли автомобилларга ёнилғи тарқатиш шохобчасига, ёнилғи олиш учун ВАЗ-2109 автомашинасида келган фуқаро Р.Т.га қарата номаълум шахс томонидан икки марта ўқотар куролдан ўқ узилган. Ўқлардан бири Р.Т.нинг елка қисмига тегиб, уни яралаган, иккинчиси эса автомашинанинг олдинги чап эшигига теккан.

Ҳодиса содир бўлган жойдан бир дона деформацияга учраган ўқ топилган ва Р.Т.нинг танасидан шифохонада бир дона 9 мм ли ўқ олинган. Р.Т.нинг танасида жароҳатнинг ҳосил бўлишини, унинг оғирлик даражасини, ўқотар қуролнинг типи ва калибрини, қандай масофадан, ундан ўқ узилганлигини аниқлаш мақсадида бир неча илм соҳасидаги мутахассисларнинг билимлари зарур бўлишини назарда тутиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 172, 173, 174, 178 ва 180-моддаларини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1. Ушбу жиноят иши бўйича комплекс экспертиза (суд-тиббиёт, баллистик, криминалистик, кимёвий) тайинлансин ва уни ўтказиш Республика илмий-тадқиқот криминалистика маркази ва Тошкент шаҳар суд-тиббиёт экспертизаси бюросининг мутахассисларига топширилсин.

2. Эксперт олдига ҳал қилишлик учун қуйидаги саволлар қўйилсин:

а) Р.Т.нинг танасидаги жароҳат ўқотар қуролдан етказилганми? Унинг оғирлик даражаси аниқлансин.

б) Р.Т.нинг кийимларида ўқотар қуролдан етказилган жароҳатлар борми? Агар бор бўлса, бу жароҳатлар миқдори ва характери бўйича Р.Т.нинг танасидаги жароҳатга мос тушадими?

в) Р.Т.га жароҳатлар қандай масофадан етказилган? Қандай қуролдан етказилиши мумкин? Унинг калибри?

г) Р.Т.га тегишли ВАЗ-2109 маркали автомашинанинг эшигидаги шикаст ўқотар қуролдан етказилганми?

д) Бу шикаст қандай қуролдан ва қандай масофадан етказилган? Унингг калибри?

е) Ушбу икки ўқ қайси жойдан отилган?

з) Ўқ-дорилар порохларнинг кимёвий тарикби ва типи аниқлансин?

3. Эксперт ихтиёрига Р.Т.нинг касаллик тарихи, унинг ВАЗ-2109 русумли автомашинаси, кўйлаги, икки дона ўқ, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасининг бир нусхаси жабрланувчи Р.Т. ва гувоҳ А.Р.нинг сўроқ баённомаларининг нусхалари юборилсин.

Терговчи
адлия кичик маслаҳатчиси (имзо) (Ф.И.Ш.)

**40-схема**

# БАЁННОМА
## Айбланувчини (гумон қилинувчини) эксперт хулосаси билан таништириш ҳақида

20___йил «__»_________ ____________шаҳри (туман)

____________________________________________________________
(баённома тузувчининг мансаби, унвони, Ф.И.Ш.)

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 179-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг _________ моддаси (лари) билан айбланувчи (гумон қилинувчи) ________________________________
(кимни)
______-сонли жиноят иши бўйича ўтказилган _________________________экспертизасининг______сонли хулосаси
(тури)
билан таништирдим ва унга қўшимча ёки қайта экспертиза ўтказиш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтирдим.

Айбланувчи (гумон қилинувчи) ____________________________

экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор ва ўзининг ҳуқуқлари билан танишиб, қуйидагиларни билдирди:

____________________________________________________________
__________________________________________________________

Айбланувчи (гумон қилинувчи) (имзо) (Ф.И.Ш.)

__________
(мансаби)

__________ __________ __________
(унвони) (имзо) (Ф.И.Ш)